



Changes in irrigation construction in Uzbekistan during the second world war

Madina GANIEVA¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2023

Received in revised form

15 May 2023

Accepted 25 May 2023

Available online

15 June 2023

Keywords:

irrigation,
cultivation,
canal,
kolkhoz (collective farm),
wrecking bar,
pickaxe,
art,
dam,
project,
plenum.

ABSTRACT

Based on new sources, the article describes the work carried out in the republic during World War II in the field of agriculture, in particular, irrigation construction. During the war, irrigation construction carried out by the state rose to a new level, and the selfless contribution of the people was one of the main factors. It is analyzed that in our republic, many new land areas were irrigated by irrigation networks built by the forces of the people.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp87-93>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши даврида ирригация қурилиши соҳаларидаги ўзгаришлар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ирригация,
культивация,
канал,
колхоз,
лом,
кирка,
санъат,
тўғон,
лойиҳа,
плenum.

Ушбу мақола Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикада қишлоқ хўжалиги, хусусан, ирригация қурилиши соҳасида олиб борилган ишлар, ирригация қурилиши тарихидаги янги манбалар асосида ёзилди. Уруш йилларида давлат томонидан олиб борилган ирригация қурилишлари янги босқичга кўтарилиб, халқнинг фидокорона меҳнати асосий омиллардан бири бўлган. Умумхалқ кучи билан бунёд этилган суғориш тармоқлари орқали республикаимиз бўйича жуда кўп янги ер майдонлари суғорилганлиги таҳлил қилинган.

¹ Teacher, History of Uzbekistan Department, Andijan State University.

Изменения в ирригационном строительстве в Узбекистане в годы второй мировой войны

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

ирригация,
культивация,
канал,
колхоз,
лом,
кирка,
искусство,
плотина,
проект,
пленум.

В статье на основе новых источников описываются работы, проводившиеся в республике во времена второй мировой войны в области сельского хозяйства, в частности, ирригационного строительства, осуществляемое государством, поднялось на новый уровень, и самоотверженный вклад народа был одним из главных факторов. Проанализировано, что в нашей республике ирригационными сетями, построенными силами народа, было орошено много новых земельных площадей.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон янги тараққиёт йўлидан шахдам илдамламоқда. Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ўтган ўттиз йил мобайнида ўта машаққатли ҳамда шарафли йўлни босиб ўтди. Буни олдиндан тўғри англаб етган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов мустақилликка эришган дастлабки кунларимизда “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравий иллат етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”, деб айтган сўзлари замирида қанчалик чуқур ҳаётий маъно борлигини яна бир бор англаймиз. [1. Б. 27].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2016 йил якунларига бағишланган нутқида “Энг аввало ёшлар ва ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихи, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади”, деб таъкидлаб ўтди. Маълумки ўтмишни ўрганмай келажакка хизмат қиладиган амалий хулосалар чиқарилмагунча ҳеч қандай жамият илгарилаб ривожланмайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди” [2. Б. 28]. Биринчи президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”, деган ғояни илгари сурган. Шу мақсадда Ислом Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашувидаги суҳбатларида ушбу фаннинг долзарб муаммолари муҳокама қилиниб, ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларини чуқур ўрганиш, Ўзбекистонда давлатчиликнинг қарор топишини таъминлаган тарихий шароитларга аниқлик киритиш, Россия империяси ва совет мустабид тузумининг бу жараёнларга салбий таъсири омилларини аниқлаш зарурлиги алоҳида эътибор қаратгани бежизга эмас эди. Совет тоталитар тузumi Ўрта Осиёда мустамлака бошқарув тартиботини жорий этди. Бундан кўзланган асосий мақсад аввало – ўлкани хомашё базасига ва ўз товарларини сотувчи бозорга айлантиришни асосий мақсад қилиб қўйганида эди. Бу сиёсатни амалга оширишда

барча жабҳаларда меҳнаткашлар оммасидан кенг фойдаланди. Совет тоталитар тузуми Ўрта Осиё аҳолиси кучидан фойдаланиши Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам янада кучлироқ авж олди.

1941 йилнинг ноябрь ойига бориб, мамлакатда ҳарбий-иқтисодий аҳвол тубдан ўзгарди. Мавжуд иқтисодий аҳволни ҳисобга олиб, ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети 1941 йил 17 ноябрда қишлоқ хўжалиги ишлари юзасидан махсус қарор қабул қилди [3. С. 167]. Мудофаа қўмитаси партия ва ҳукуматнинг уруш шароитига мослаштириб тузилган халқ хўжалик режаларини маъқуллади. Режада бундан кейин дон, техника экинлари ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришда Урал, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Волгабўйи районларининг роли яна ҳам ошганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди [4. С. 168].

1941 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон КП(б) Марказий комитетининг V Пленуми бўлиб ўтди. Пленум уруш шароитидаги ҳарбий хўжалик ва партиявий-сиёсий ишлар соҳасидаги масалаларни муҳокама қилди. У республикада қишлоқ хўжалиги, хусусан, ирригация қурилиши борасидаги масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнади [5. С. 168]. Ўрта Осиё республикаларига 300 дан ортиқ саноат корхоналари кўчириб келтирилди. Бундан 90 дан ортиғи Ўзбекистон ССРга кўчирилди. Бироқ қишлоқ хўжалигида ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришни имконияти мавжуд бўлмаган. Шу боис Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида турган ана шундай улкан вазифаларни урушнинг оғир шароитида, асосий кучлар урушга сафарбар этилган, техникалар етарли бўлмаган бир шароитда бажарилиши лозим эди. Тинч қурилиш даврида уч йилда бажариладиган вазифасини бир йилда бажариш зарур эди. Деҳқончилик, сунъий суғоришга асосланган Ўзбекистон Республикасида экин майдонларини кенгайтириш, бу билан армия ва аҳолини кийим кечак ҳамда озиқ-овқатга, саноатнинг хом ашёга бўлган талабини қондириш бевосита ирригация ва электр энергия қурилишларини кенгайтиришни тақозо этарди. Ўзбекистондаги ҳар бир меҳнатга яроқли киши сув учун кураш ҳаракатидан четда қолмади.

Ўзбекистондан фронтга кетган оилалардаги эркаклар ўрнига барча қариялар, ўсмирлар ва аёллар сувга танқис ерларни экинзорга айлантириш учун курашни давом эттирдилар. Ўзбекистонда халқ ҳашари билан қурилган бир қанча магистрал каналлар, сув омборлари, тўғонлар ва коллектор-зовурлар урушнинг энг оғир даврлари 1941-1942 йилларга тўғри келди. 1942 йил бошларида лойиҳа ишлари олиб борилиб, инженер-техниклар иштирокида қисқа вақт ичида Шимолий Тошкент (Тошкент вилояти), Чуст ва Юқори Учқўрғон (Наманган вилояти), Сўх-Шоҳимардон (Фарғона вилояти) каби каналларнинг лойиҳа-сметалари ишлаб чиқилди.

1942 йил ирригация қурилиши тарихига янги саҳифалар билан ёзилди. Шу йилда халқ ирригация қурилишлари янги босқичга кўтарилди. Умумхалқ кучи билан бунёд этилган суғориш тармоқлари орқали 1942 йилда Ўзбекистон ССР бўйича 242 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилди [6. Б. 16]. Ўзбекистон колхозчиларининг кучи билан 28233 м ҳажмдаги ер қазилди. Шу давр ичида республикамиздаги ҳамма ирригация қурилишларида ҳар куни тахминан 26965 ҳашарчи ишлади. Январь ойининг энг совуқ кунларида ҳам ҳар куни тахминан 25000 дан ортиқ колхозчилар қурилиш трассаларида меҳнат қилдилар.

Натижада дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдони бир миллион гектарга кўпайди. Мелиорация ишларида ҳам ўз навбатида сувдан фойдаланиш ва сув тақсимотини яхшилаш, уларнинг техник жиҳатдан сақланишини мустаҳкамлаш ҳамда суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланиш оқибатларига қарши кураш, суғориш тармоқларида таъмирлаш-тозалаш ишларини олиб бориш билан белгиланади. Шунингдек, уруш йилларида Фарғона ва Наманган вилоятларида Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Охунбобаев номли каналлар қайта таъмирдан ўтказилди. Бу уруш йилларида бунёд этилган каналлар, меҳнаткаш халқимиз томонидан кетмон, лом, кирка, замбиллар ва оғир қоплар кўтарган қўллар ёрдамида бунёд этилди.

Урушнинг ана шу даврларида Фарғона водийсида халқ қудрати билан бунёд этилган йирик ирригация иншоотлари Чуст, Юқори Учқўрғон, Сух-Шоҳимардон каналлари ва Косонсой сув омбори эди. Чуст канали урушнинг дастлабки вақтида Фарғона водийсида барпо этилган халқ қурилиши иншоотларидан биридир. Чуст канали трассаси тўртта катта участкага бўлинди. Қурилишда Чуст, Косонсой, Поп ва Тўрақўрғон район колхозчилари қатнашдилар. Уларнинг меҳнати эвазига ушбу иншоотлар барпо этилди.

Чуст канали 1942 йил 18-21 апрель кунларида ишга туширилди. Қурилатган ушбу иншоотда колхозлардан 7000 та кетмон, 855 та кирка, 450 та лом, замбил ва бошқа асбоб-ускуналар олиб келиб ишлатилди [7. Б. 23]. Канал асосан маҳаллий аҳолининг қўл кучи билан қазилди. Каналнинг ишга тушириши натижасида 1942 йилда жами 2600, жумладан Чуст районида 1657, Косонсой районида 285 гектар, Олабуға районида 658 гектар (Қирғизистон Республикаси) ер суғорилди ва донли экинлар экилди. Шундан 275 гектарига турли дарахтлар ўтказилди. Канал 1943 йилда Чуст ва Косонсой районларида янгидан 3086 га ерни суғоришга имкон берди [8. –В.391]. 1941 йил 29 декабрда “Юқори Учқўрғон канали қурилиши тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Мазкур канал “халқ қурилиши” деб эълон қилинди. Канал ўзани учта катта участкага бўлиниб, қурилишда Учқўрғон ва Норин колхозлари меҳнаткашлари иштирок этдилар.

1944 йилга келиб канал яна 4 км га узайтирилди, натижада яна қўшимча 564 гектар ерни сув билан таъминлайдиган бўлди. 1941 йил 30 декабрда Сўх-Шоҳимардон лойиҳаси қўриб чиқилди ва тасдиқланди. 1942 йил 25 февралдан канал ўзанида оммавий ер қазилар бошланди. Шу куни 17000 нафар колхозчи меҳнат қилди. Каналга 1943 йил 13 июнь куни сув очилди. Каналларни қуриб тугатиш жадаллик билан олиб борилди. Бу эса меҳнаткаш ўзбек халқи томонидан катта жасорат билан бажарилди. Айниқса, канал қазилар ишларида аёллар фаол иштирок этдилар. Сабаби соғлом эркеклар фронтга кетган эди. Бунга мисол қилиб, “Пахтакор” колхоз (Андижон вилоятининг Балиқчи райони) меҳнаткашларига энг оғир участка Учқўрғон дарвозасининг бошланиши қисмини қазилар тегди. Аёл ва ўғил – қизлар зўр матонат билан меҳнат қилдилар. “Пахтакор” колхозидан 200 га яқин киши қатнашди. Бунга “Қизил юлдуз” колхоз меҳнаткашлари ҳам ёрдам бердилар [9. В. 394]. Каналлар қурилиши оқибатида 1942 йилда экин майдонларини кенгайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

1941 йил охирида Қўқон шахрига Украинадан қанд заводи эвакуация қилинди. Шу муносабат билан Қўқон атрофидаги хўжаликларнинг маълум майдонларига қанд лавлаги экиш ва қанд заводини хомашё билан тўлдириш вазифаси юклатилди. Шу сабабли 1942 йилдан кўп колхозлар ерларида лавлаги экила бошланди [10. Б. 156]. Натижада 1942 йил 22 минг гектар ерга қанд лавлаги экилди.

Шу йили Фарғона вилоятида экин майдонлари 24400 гектарга кенгайтирилди. Бу 1941 йилдагига нисбатан 10 фоизга кўпайди, Наманган вилоятида эса 7800 гектарга кенгайтириш, пахта тайёрлаш йиллик планини 20 ноябрга бажариш белгиланди. Бу эса колхозчилардан жуда катта маъсулият талаб қилар эди [11. Б. 93]. Ботқоқликларни қуритиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига яхшилаш ҳамда ерларнинг ботқоқланиши ва шўр босишига қарши курашиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Сарисув коллекторлари системаси қурилди, Фарғона водийсидаги 200 минг гектар ерни қуритишга ёрдам берган Асака, Сарижурон, Ёзёвон, Файзиобод, Сўх-Исфара коллекторлари барпо этилди. 1938 – 1942 йилларни ўз ичига олган учинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистонда ирригация қурилиши кенг қулоч ёйди. Бу даврга келиб суғориш ишларини жадаллаштириш учун умумхалқ ҳаракати авж олган эди.

Фарғона водийси деҳқонлари Ўзбекистонда ирригацияни ривожлантириш тарихига ёрқин саҳифа киритдилар. XX асрнинг улкан қурилишларидан бири бўлган ва Ўрта Осиё халқларининг турмуш даражасини яхшилаш борасида катта бурилиш ясаган Катта Фарғона каналини қурилиши тарихи барчамиз учун қизиқарли ва ҳайратланарлидир. Бунинг боиси шундаки, у асосан қўл кучи билан тупроқ қазиб, бунёд этилган Фарғона водийсидаги энг йирик гидротехник иншоотдир. Ўзбек халқи азалдан ҳаёт учун зарур бўлган сув манбаларини бўйсундириш учун канал қазиб, ариқ чиқариб, ерларни ўзлаштириш билан шуғилланиб келади. Фарғона водийси аҳолиси деҳқончилик билан шуғилланиб келар экан, доимо сув танқислиги, суғориш иншоотларининг камлиги муаммосига дуч келган. Катта Фарғона каналининг қурилиши эса аҳолининг ерларга бўлган эҳтиёжини қондириб, бир неча асрлар мобайнида қамиш босиб ётган ботқоқликлар ҳамда қум барҳамларининг ўрнида экинзорлар, боғлар ва токзорларни яратиш имконини берди. Бундай натижаларга эришишда халқимиз жуда катта машаққатли йўлни босиб ўтишига тўғри келди.

1939 йил 1 августдан бошланган халқ ҳашари билан Катта Фарғона канали жуда қисқа муддатда 45 кунда қуриб битказилди. Шундан кейин Катта Фарғона канали 1940 йилда Тожикистон ҳудудида яна 20-25 км.га узайтирилди. СССР ХКС буйруғига биноан: Тожикистонга бешта енгил автомашина “М-1”, ўнта “ЗИС-5” юк машинаси, яна ўнта Газ-А7” юк машинаси “, учинчи квартал 1939 йил ҳисобидан 100 тонна бензин, 100 тонна гуруч ва 50 тонна ёғ ажратиб берилиши шарти қўйилди [12. Б. 24]. Халқ ҳашарида 180 минг нафар ишчи ва деҳқон ҳамда 3000 нафар муҳандис – техник ходим қатнашди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидаги 500 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, янги ерларни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди. Ўз даврининг машҳур санъаткорлари бўлган Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Гавҳар Раҳимова ва бошқалар ҳалол меҳнат қилаётган ҳашарчиларни маданий хизмат кўрсатиш билан қўллаб-қувватладилар.

Бу канал Ўрта Осиё ва Совет иттифоқидаги энг йирик суғориш иншоотларидан бири бўлиб, секундига 200 кубометр сув ўтказди, узунлиги эса 270 километрдир. Уруш йилларида, ҳашар йўли билан 160 километр узунликдаги шимолий Фарғона, 103 километр узунликдаги Жанубий Фарғона канали қурилди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг бундай серғайрат машаққатли йўл билан бунёд этган бу Фарғона каналидан ҳозирги кунда ҳам деҳқончилик ва боғдорчиликда

унумли фойдаланиб келинмоқда. 1941–1942 йилларда Ўзбекистондаги энг катта қурилиш Фарход ГЭСи эди. Бу улкан иншоот Ўзбекистонни ҳам электрлаштиришда, ҳам суғоришда муҳим ўрин тутарди [13. Б. 19]. Бу улкан иншоотни қурилишида бутун республика қатнашди. У ерга биргина “Комунна” колхозидан (Андижон вилояти, Пахтабод тумани) 100 дан ортиқ киши юборилди. Улар Аҳмаджон Асқаров ва Турғун Шоқодировлар бошчилигида ўз участкаларида уюшқоқлик билан меҳнат қилдилар [14. Б. 259].

Шу билан бир қаторда Фарғона водийсида бир қатор эски каналларни яхшилаш ва техник жиҳатидан қайта таъмирлаш юзасидан ҳам анча чора-тадбирлар амалга оширилди. Шоҳимардонсой, Ғовасой ва бошқа системалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчасига эришишда меҳнаткаш халқимизнинг жасорати каттадир. Айниқса, урушнинг қизғин палласида навқирон йигитлар урушга сафарбар қилингандан сўнг, кўп ишлар қариялар, хотин-қизлар ва ёш ўсмирлар зиммасига тушди. Аёллар кечалари от миниб культивация қилди, пахта терди, арава миниб, пахтани қуритиш жойларига олиб боришда фаоллик кўрсатди. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўша оғир йилларда ҳар ишда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилганлигини барча ютуқларга эришганликларида қўришимиз мумкин. Айниқса аёлларни уй ишини қилиб, болаларга ҳам қараб, яна далада ишлаб, забардаст эркаларнинг ўрнини босиб меҳнат қилганликлари бунга ёрқин мисолдир.

Хулоса қилиб айтганимизда, уруш ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудида бўлмади, лекин унинг тинч ижтимоий ҳаёти издан чиқди. Республикамиз халқ хўжалиги фронт манфаатларига мослаштириб қайта қурилди, энг сара кучларимиз қўлларига қурол олиб душманга қарши курашди. Ўзбек халқи, бутун Иттифоқдаги барча халқлар сингари урушнинг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида жасорат кўрсатиб ишлади, фронт топшириқларини бажарди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ишчи кучлари ва техника етишмаслигига қарамай экин майдонлари кенгайтирилди, мўл ҳосил олинди. Россиядан келтириладиган ғалланинг миқдорини кескин камайтириб, республиканинг ўзида дон етиштиришни амалга оширди, янги ўзлаштирилган майдонларга асосан дон экинлари экилди. Уруш йилларида пахта майдонлари анча камайиб кетганлиги ҳисобга олиниб, урушнинг сўнгги йилларида пахтачиликни тиклаш, ирригация ва мелиорация ишларини кучайтириш чоралари кўрилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент Ўзбекистон. 2011. – Б.27
2. И.А.Каримов, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент, Ўзбекистон. 2011. – Б.28
3. История Великой Отечественной войны Советского Союза (1941-1945 гг.). Т.2. – М.: Воениздат, 1961. – С.167.
4. История Великой Отечественной войны Советского Союза (1941-1945 гг.). Т.2. – М.: Воениздат, 1961. – С.168.
5. История Великой Отечественной войны Советского Союза (1941-1945 гг.). Т.2. – М.: Воениздат, 1961. – С.168.
6. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). I китоб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. –Б.6.

7. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). IV китоб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. –Б.23.
8. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). I китоб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. –Б.391.
9. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). IV китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. –Б.394.
10. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). VIII китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. –Б.156.
11. И.Пўлатов, Буюк Ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. – “Ўзбекистон нашриёти”. – 93 б.
12. Фарғона давлат архиви, ф. 1124, оп.2, б.24.
13. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). I китоб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1969. –Б.19.
14. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: (Очерклар). VII китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. –Б.259.